Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 2 (2026) · “Milliy statistika tizimida yangi bosqich: barqaror rivojlanish maqsadlari, xalqar... DOI: 10.5281/zenodo.24320133

“MILLIY STATISTIKA TIZIMIDA YANGI BOSQICH: BARQAROR RIVOJLANISH MAQSADLARI, XALQARO STANDARTLAR VA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR”

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ АКЦИЯЛАР ЭМИССИЯСИ ХУСУСИЯТЛАРИ

PhD **УБАЙДУЛЛАЕВ ДИЛШОД ЗУВАЙТОВИЧ**
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қашқадарё вилояти бош бошқармаси бошлиғи

Тижорат банклари иқтисодиёт молиявий тизимининг марказий бўғини ҳисобланиб, уларнинг барқарор фаолияти миллий молия бозорининг ривожланиш даражаси билан бевосита боғлиқдир. Банк капитали етарлилиги, молиявий барқарорлик ва рақобатбардошликни таъминлашда акциялар эмиссияси муҳим инструмент сифатида намоён бўлади. Айниқса, акциялар чиқариш орқали банклар ўз устав капитали ҳажмини оширади, инвестициявий салоҳиятини кучайтиради ва халқаро молия бозорига чиқиш имкониятини кенгайтиради. Бунда айнан акциялар арзон молиявий ресурс жалб қилиш инструменти эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Банк акциялари фонд бозори орқали жойлаштирилади ва бу жараён миллий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига хизмат қилади. Ўзбекистонда акциялар муомаласи асосан Тошкент Республика фонд биржаси орқали амалга оширилади. Шу боис банклар акциялар эмиссияси фаолияти нафақат корпоратив молия масаласи, балки умуммиллий молиявий инфратузилма тараққиёти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Акция – бу унинг эгасига акциядорлик жамияти устав капиталидаги улушини тасдиқловчи ҳамда дивиденд олиш ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи қимматли қоғоздир. Банклар учун акциялар эмиссияси қуйидаги иқтисодий вазифаларни бажаради:

- устав капиталини шакллантириш ва ошириш;
- молиявий барқарорликни таъминлаш;
- актив операциялар ҳажмини кенгайтириш;
- устав капиталига минимал талаб ва капитал етарлилиги меъёрларига риоя қилиш.

Халқаро амалиётда банк капитали етарлилиги стандартлари Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган “Базель III” талаблари асосида тартибга солинади. Ушбу талабларга кўра, банкнинг асосий капитали (Tier 1 capital) юқори сифатли капиталдан иборат бўлиши лозим. Оддий акциялар ушбу капиталнинг асосий қисмини ташкил этади. Шундай экан, акциялар эмиссияси банклар учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг муҳим механизми ҳисобланади.

Published: 05.06.2026

Cite this article: Убайдуллаев Дилшод Зувайтович (2026). Тижорат банкларининг акциялар эмиссияси хусусиятлари. Emro Science and Education, 2(2). https://doi.org/10.5281/zenodo.24320133

© 2026 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Тижорат банклари одатда оддий ва имтиёзли акциялар муомалага чиқариш орқали устав капиталини шакллантиради. Ўзбекистон амалиётида имтиёзли акциялар устав капиталининг 25 фоизи доирасида чиқарилиши мумкин. Устав капитали фақат оддий акциялар ҳисобига ҳам шакллантирилиши асосида имтиёзли акциялар чиқарилмаслигига ҳам йўл қўйилади. Бунда тижорат банклари акциялар эмиссияси орқали капитални оширишда оддий акцияларга устуворлик беради, чунки улар халқаро стандартларга мувофиқ асосий капитал сифатида эътироф этилади.

Масалан, Ўзбекистондаги йирик молия институтларидан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (NBU) ҳамда Асака банк каби банклар ўз капитали таркибини диверсификация қилиш мақсадида бир неча бор акциялар эмиссиясини амалга оширган.

Тижорат банклари томонидан акциялар эмиссияси қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1-босқич. Акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Банк кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинади. Бунда қарор қабул қилиш ваколати қонунчиликка кўра акциядорлар умумий йиғилишида, бироқ ушбу ваколат мутлақ ваколат эмас. Яъни кузатув кенгашига ўтказиб берилган бўлса кенгаш қарори асосида ҳам акциялар эмиссия қилинади.

2-босқич. Акцияларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

Акциялар эмиссияси проспекти ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги ваколатли давлат органи сифатида акцияларни давлат рўйхатидан ўтказади. Бунда давлат божи ҳам амал қилади.

3-босқич. Акцияларни жойлаштириш.

Акциялар очиқ ёки ёпиқ обуна тартибида жойлаштирилиши мумкин. Бунда жойлаштириш усули эмиссия тўғрисидаги қарорда ҳамда эмиссия рисоласида белгилаб қўйилади. Акцияларни очиқ жойлаштириш тижорат банкларида қўшилган капиталнинг ҳам ортишига олиб келади. Бу ўз навбатида акциялар воситасида арзон капитал жалб қилинишини таъминлайди ҳамда рақобатда устуворлик беради. Ёпиқ жойлаштириш эса одатда акциялар номинал қиймати асосида жойлаштирилишини англатади ва бунда имтиёзли ҳуқуқ амал қилади. Гарчи бу орқали устав капитали ошсада, арзон капитал жалб қилиш ҳисобланмайди. Шунингдек тижорат банклари ҳам ўз акцияларини оммавий жойлаштиришлари орқали ўз нуфузини оширишлари мумкин. Лекин бунинг учун инвестицион жозибадорлик юқори бўлиши шарт. Ва тайёргарлик муҳим ҳисобланади.

Халқаро амалиётда йирик банклар акцияларини халқаро биржаларда ҳам жойлаштиради. Масалан, JPMorgan Chase ва HSBC Holdings акциялари

бир неча халқаро фонд биржаларида муомалада бўлиб, бу уларнинг капитал базасини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Тижорат банклари учун акциялар эмиссиясининг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- акциялар муддатсиз муомалага чиқарилади ва тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилинади;
- қарз юки ошмайди, натижада молиявий мустақиллик ортади;
- капитал етарлилиги кўрсаткичлари яхшиланиб, регулятор талаблари бажарилади;
- акциялар очиқ ёки оммавий жойлаштирилганида банкнинг кредит бериш имконияти кенгаяди ва асосийси рақобатдошлик ошади;
- инвесторлар билан ўзаро манфаатли молиявий муносабатлар ўрнатилиши инвестицион жозибадорлик ортишига хизмат қилади;
- тижорат банкларида корпоратив бошқарув сифати шаффофлиги ортади.

Умуман олганда акция эмиссияси орқали жалб қилинган маблағлар тижорат банкларининг узоқ муддатли стратегик лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда банк тизимини трансформация қилиш, давлат улушини қисқартириш ва хусусий капитални жалб этиш сиёсатини амалга ошириш жараёнида акциялар эмиссияси муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса 2025 йил 1 январдан тижорат банклари устав капиталининг минимал миқдори 500 миллиард сўм этиб белгиланганлиги хусусий тижорат банклари томонидан қўшимча акциялар эмиссиясини талаб қилди. Устав капиталини белгиланган талабларга етказа олмаган Евроосиё банки, Янги банкларнинг лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинди.

Республикамизда тижорат банкларини ислоҳ қилиш дастурлари доирасида, трансформациялаш, хусусийлаштириш масаласи долзарб бўлиб турибди. Бунда рақамли трансформация билан бир вақтда мулкий трансформация ҳам алоҳида долзарблик касб этиши боис хусусийлаштириш жараёнларига хорижий потенциал инвесторларни фаол жалб қилиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Чунки тижорат банкларидаги давлат улушини хусусийлаштириш борган сари кечикиб кетмоқда. Бошқа томондан тижорат банклари акцияларини оммавий жойлаштириш масаласи ҳам қатор ҳужжатларда белгиланган бўлсада улар томонидан ҳали бирор марта бундай амалиёт ўтказилмаган. Давлат иштирокидаги тижорат банклари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларининг ўтказилиши бевосита давлат улуши қисқаришига хизмат қилади. Ва бу жараён миллий фонд бозорининг фаоллашувига хизмат қилади.

Тижорат банкларининг акциялар эмиссияси фаолияти банк капитали барқарорлигини таъминлаш, молиявий ресурсларни жалб қилиш ва миллий молия бозорини ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Акциялар орқали жалб этилган капитал банкларнинг узоқ муддатли барқарор ўсишига хизмат қилади.

Халқаро стандартларга мувофиқ капитал етарлилигини таъминлаш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва инвестицион муҳитни яхшилаш шароитида акциялар эмиссияси банклар учун стратегик инструмент сифатида намоён бўлади. Шу боисдан Ўзбекистонда акциялар эмиссиясини кенгайтиришда тижорат банклари инвестицион жозибадорлигини ошириш билан бирга фонд бозори инфратузилмасини мустаҳкамлаш, инвесторлар ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш муҳим ҳисобланади.

IQTISODIY STATISTIKA KAFEDRASI — Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti